

МАШИНАСИДАН
КЎЧАГА ЧИҚИНДИ
УЛОҚТИРАДИГАНЛАРГА

**ЖАЗО
КУЧАЯДИ**

→ 2-бет

**Электрон
чиқиндилар
муаммоси**

→ 6-бет

**ҚЎШИМЧА
ИШЛАГАНГА
ҚЎШИМЧА
ҲАҚ**

→ 2-бет

Oila va

Ijtimoiy-siyosiy, ekologik gazeta

№ 21

(679)

29.05.2025

www.ekogazeta.uz

@ekogazeta

ТАВИАТ



O'ZBEKISTON EKOLOGIK PARTIYASIDAN SAYLANGAN

OLIY MAJLIS QONUNCHILIK PALATASI HUZURIDAGI

YOSHLAR PARLAMENTI

QOLARI



Ёшлар

парламента

бўлажак сиёсатшунослар
платформаси

Ўзбекистон – жаҳон парламент дипломатияси етаكчиси

Парламентлараро
Иттифоқ
150-Ассамблеяси
якунларига
бир назар



Халқаро ҳамжамият дуч келаётган замонавий хатарлар глобал мулоқот форматларини янгилашни тақозо этмоқда. Парламент дипломатияси қонун чиқарувчи органларнинг ташқи сиёсатга, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, барқарор институтларни ривожлантиришга таъсир кўрсатишининг ўзига хос механизми сифатида олдинги ўринга

чиқмоқда.

Жорий йил 5-9 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси нафақат юбилей тадбири, балки парламент дипломатиясини мустаҳкамлашда муҳим босқич ва институционал халқаро парламентлараро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. У Ўзбекистон учун ҳам, бутун Марказий Осиё минтақаси учун ҳам йилнинг энг йирик парламент воқеаси ва тарихий лаҳзага айланди.

→ 4-5-бетлар

«Чинакам мутолаа

инсон онги
ва келажагини
ўзгартиради»



Китоб ўқимаган, китобга ошно бўлмаган бола – бугунги ахборот асрида, билим ва технологиялар даврида «замонавий қул»га айланади. Мактаб кутубхоналарининг бой бўлиши, ўқувчи-ёшларнинг чинакам китоб мутолаасига одатланиши ана шундай улкан муаммага қарши муносиб ечим бўлиши шубҳасиз.

→ 8-бет

Оналар

яратган боғлар

→ 3-бет



» ДАРАХТГА НАФАС БЕРИНГ! ЭКОЛОГИК АКЦИЯСИ
ДАВОМ ЭТМОҚДА.

→ 8-бет

DAVR NAFASI

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлислари тобора қизғин, баҳс-мунозаралар кескин тус олиб бормоқда. Куни кеча ҳам баҳс-мунозараларга бой ўтган навбатдаги мажлисда бир неча жиддий аҳамиятга эга қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Депутатлар муҳокамаси:



Қўшимча ишлаганга қўшимча ҳақ, кафолат маблағи

ҳамда хорижга ишга кетишда енгиллик

Аввало ушбу масалалар Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида кўриб чиқилиб, янги қонун лойиҳалари юзасидан партия фракциясининг позицияси белгилаб олинди. Фракция аъзолари томонидан мувофиқликни баҳолаш органларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда маҳсулотларни ўз ихтиёри билан қақриб олган тадбиркорларга енгиллик беришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий усуллари жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси билан Фуқаролик кодекси ва қатор қонун ҳужжатларига мувофиқликни баҳолаш органлари масъулиятини ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини тегишли талабларга номувофиқ бўлган маҳсулотларни ўз ихтиёри билан савдодан қақриб олишни рағбатлантиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, унда белгиланаётган айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди. Айрим нормалар бўйича берилган саволларга қонун ташаббускорлари томонидан батафсил тушунтиришлар

бериб ўтилди. Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Шунингдек, иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш ва унинг давомийлигини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди.



Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш ва унинг давомийлигини соддалаштиришга доир ўзгартиришлар киритилмоқда.

Лойиҳа билан Меҳнат кодексидан иш вақтидан ташқари ишга ходимни жалб этиш йилига бир юз йигирма соатдан ошмаслиги кераклиги ҳақидаги норма чиқариб юборилмоқда. Шунингдек, иш вақтидан ташқари ишнинг бир кунда дастлабки икки соати

учун камида бир ярим ҳисса миқдорида, икки соатдан ортиқ қисми учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланиши белгиланмоқда.

ГАП ЭМАС, КАФОЛАТ КЕРАК

Қўйи палата мажлисида «Ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш институти жорий этилиши муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги масала депутатларнинг қизғин муҳокамаларига сабаб бўлди.

Гап шундаки, энди суд қарорини бажараман деган одам олдиндан «Мана, менга ишонсанг бўлади» деб, кафолат маблағи қўйиши керак бўлади.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади – мулкый характердаги суд ҳужжатлари ижросини кафолатли қилиш. Бошқача айтганда, бирор тараф суд қарори асосида қандайдир пул тўлаши керак бўлса, бу пуллари олдиндан Мажбурий ижро бюросининг махсус ҳисобига қўйиб боради.

Бу нега керак? Қонун «ўз бўйинингга олган мажбуриятни бажаришга қодирманми?» деган саволга нафақат оғиз билан, балки ҳисоб орқали ҳам жавоб беришга мажбур қилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди.

ЧЕТГА ИШГА КЕТИШДА МУАММО БЎЛМАЙДИ

Меҳнат миграциясини тартибга солишга оид қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ўзбекистонликлар хорижда ишлашни истаса, бу энди анча очик, шаффоф ва қонуний асосда бўлади.

Хўш, нималар ўзгаради? Чет элда ишлашни истаган фуқароларни ишга жойлаштириш фаолияти бўйича лицензия ва назорат ҳуқуқи Миграция агентлигига топширилади.

Агентлик хусусий бандлик агентликларини назорат қилади, қонунни бузганларга чора кўради.




Аввалги тартибда: хориждан иш топиб берган агентлик хизмат ҳақи учун иш берувчидан ундириши керак эди. Энди эса иш изловчининг ўзи тўлов қилиши мумкин – бу тақиқ бекор қилиняпти.

Шунингдек, хусусий агентликлар энди тил ва касб бўйича курслар ташкил қилиши, хорижий иш берувчиларни жалб қилиши мумкин. Лицензия олиш учун сақланиши керак бўлган кафолат маблағлари миқдори эса камайитирилади.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу қонун хорижга ишлагани кетаётганлар ҳуқуқини ҳимоя қилади, тартибни соддалаштиради, рақобатни соғломлаштиради ва энг асосийси – хизматлар рақамлаштирилиб, барча учун қулай бўлади.

Ўринли таклиф



МАШИНАСИДАН КЎЧАГА ЧИҚИНДИ УЛОҚТИРАДИГАНЛАРГА

ЖАЗО КЎЧАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга транспорт воситаларидан чиқинди ташлаганлик учун жазо чораси кучайтирилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилиши кўзда тутилган. Бу ҳақда 2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясида белгилаб қўйилган.

Негаки чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий воситалардан ҳисобланади ва аксарият чиқиндилар, хусусан, пластиклар узоқ муддат чиримайди ва табиатга зарар етказди. Транспорт воситалари ҳайдовчилари кўчага ташлайдиган чиқиндиларнинг аксарият қисмини эса айнан пластик

идишлар ташкил этади.

Маълумот ўрнида: ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91¹-моддасида белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаган жисмоний шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг

1 бараваридан 3 бараваригача, юридик шахсларга эса 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима қўллаш белгиланган. Ваҳоланки, дунё тажрибасида бундай ҳуқуқбузарликларга катта миқдорда жарималар қўлланилади. Шунинг учун бизда белгиланган жарима миқдорини ҳам кўпайтириш, жазо чорасини кучайтириш

Respublika bo'yicha bir sutkada
**4 mln 700 ming m³ atrofida
ichimlik suv yetkazib berilmoqda.**

Экологик маданиятда давлат
органлари ходимлари

Намуна бўлади

Камол ЖУМАНИЕЗОВ,
ЎЭП Хоразм вилоят партия
ташкilotи раиси

**Тупроқ унумдорлигининг пасайиши, чўлла-
ниш, сув ресурсларининг камайиши каби эколо-
гик муаммолар аллақачон глобал аҳамият касб
этмоқда. Бу Ўзбекистон ҳудудида ҳам сезиляпти.
Шунинг учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш ва экологик ҳолатни яхшилаш энг долзарб
масалала айланмоқда.**

Масалан, Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида «яшил белбоғ»лар яратиш каби лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, экологик таълим ва билимларни ошириш орқали аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган зурур чоралар қўрилмоқда. Масалан, олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан экологик таълимни такомиллаштиришга йўналтирилган машғулотлар ташкил этилмоқда. Албатта, бу ёшларнинг экологик билимини оширишга қаратилган. Аммо ҳозирги экологик вазият, содир этилаётган ҳолатлар катталарнинг ҳам бу борадаги тушунчаларини кенгайтиришни тақозо этаётган эди.

Давлатимиз раҳбарининг «2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида давлат органлари ходимларининг экологик билимини оширишга қаратилган бепул ўқув курслари ташкил этилишининг белгилангани айни шу мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Қарорда келтирилган мазкур вазифа билан энг аввало давлат органлари ходимлари экологик масалалар бўйича чуқур билимларга эга бўлиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ва меъёрларни самарали қўллаш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, давлат органлари ходимларининг экологик билимларини ошириш орқали фуқаролик жамиятининг экологик масалаларга бўлган эътибори ва фаоллиги ортади, бу эса умумий экологик маданиятнинг юксалишига сабаб бўлади. Бу орқали давлат органлари экологик фаолиятининг самарадорлиги ошади, экологик хавфсизлик таъминланади ва барқарор ривожланиш йўлида муҳим ютуқларга эришилади. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг экологик фаоллиги ортади, бу эса умумий экологик маданиятнинг юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

лозим (масалан, ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилганда БҲМнинг 3-5 баравари, такрорий ҳолатда эса 10-15 баравари).

Баҳолашларга кўра, ҳайдовчилар ва йўловчилар кўчалардаги чиқиндиларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Масалан, Буюк Британияда йилига йўллардан тахминан 200 минг қоп чиқинди йиғиштириб олинади, бу чиқиндилар таркибига «фаст-фуд» қадоклари, тамаки қолдиқлари, пластик бутилка ва бошқалар киради.

Тадқиқотларга қараганда, йўллардаги барча чиқиндиларнинг тахминан 53 фоизи автомобиллар ҳайдовчилари ва йўловчилари томонидан ташлаб кетилар экан. Бу чиқиндилар орасида тамаки қолдиқлари, овқат ва ичимлик қадоклари, пластик бутилкалар ҳамда қоғоз маҳсулотлари кўп учрайди.

Ўтган йилги маълумотга кўра, Тошкент шаҳрида 638,8 мингдан ортиқ транспорт воситаси мавжуд, унга қўшимча равишда бир кунда пойтахтга ўртача 150 мингдан 300 минггача транспорт воситаси кириб келади. Энди тасаввур қилинг, бир кунда ҳар 10 та автомобилдан биттасидан чиқинди ташланганда ҳам Тошкент кўчалари бир кунда 15 мингдан 30 минггача чиқинди билан тўлади.

Ҳа, автомобиллардан чиқинди ташлаш – жиддий муаммо. Бу ҳолат алоҳида эътибор ҳамда ечимларни талаб қилиши кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам концепцияда айнан шундай ҳуқуқбузарликларга нисбатан жазо чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

MUNOSABAT

Юртимизда ёш авлоднинг дунёга келиши ва жисмонан соғлом ривожланиши учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришни эса тоза атроф-муҳитсиз тасаввур этиб бўлмайди. Соғлом ҳаёт ҳамда атроф табиий муҳит бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Табиий муҳитнинг тоза ва мусаффолиги болаларнинг соғлом ва етук вояга етишининг асосий омилларидан биридир.

Айдангул
АБДУРАҲМОНОВА,
ЎЭП Қорақалпоғистон
Республикаси
партия ташкilotи
Экология ва
саломатлик
аёллар клуби
раиси



Оналар яратган боғларда

табиатни севувчи
фарзандлар улғаяди

Президентимизнинг шу йил 15 майдаги «2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси фақат ҳукумат ёки мутасадди идоралар зиммасига юкланмаган. Бу қарорни амалга оширишда айниқса биз – аёлларнинг, оналарнинг ўрни жуда муҳим. Шу маънода, юртимиздаги ҳар бир она, аёл, буви болаларимиз учун, яшил ва соғлом олам учун экологик маданиятни умумхалқ қадриятига айлантиришга киришишимиз, шу йўл билан келажак авлодларга барқарор, хавфсиз ва фаровон ҳаёт қуришни бугундан бошлашимиз зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этиб турибди.

Аёл ва табиат – иккиси ҳам гўзаллик рамзи. Иккисида ҳам меҳр дея аталмиш илоҳий туйғу бор. Аёл – она, табиат ҳам онага менгзалади.

Аёл фарзандларини бағрида тарбиялаб вояга етказса, табиат бағрида гулу гиёҳларни, жонзотларни, биз инсонларни эркалаб ўстиради, едиради, ичиради.

Шунинг учун ҳам оналар боғ барпо этган жойларда, «Оила боғи» қад ростлаган манзилларда фарзандлар ҳам албатта, она табиатга меҳрли бўлади, уларда экологик маданият ўсади, экологик қадриятлар эъзозланади. Бундай масканларда улғайган авлод қалбида табиатни асраб-авайлашга интилиш, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик кўникмалари инган бўлади. Чунки олманинг тагига олма тушади. Болалар бизнинг қилаётган ишларимиздан улғи олади.

Бинобарин, оналар экологияни асраш, атроф-муҳитни муҳофазалаш каби ислохотларда албатта фаол

иштирок этиши зарур. Бу нафақат дарахт, гул экиш, боғлар барпо этиш, балки экологиянинг барча йўналишлари, жумладан:

- сувни ва бошқа ресурсларни тежаш маданиятини сингдириш;
- хавфсиз озиқ-овқат истеъмоли;
- иқлим ўзгариши, ҳаво сифатини яхшилаш ва Орол денгизининг қуриши оқибатларига қарши курашиш;
- инфратузилмани яхшилаш;
- чиқиндиларни камайтириш ёки чиқиндини ташлаш, саралаш маданиятини сингдириш бўйича илгор тажрибаларни илгари суришда ҳам оналарнинг ҳиссаси катта бўлиши зарур.

Оилаларда экологик маданиятни ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатни асраб-авайлаш соҳасидаги интеллектуал ва илмий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш даражасини кўтариш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш бугун долзарб аҳамиятга эга. Бунда эса миллат тарбиячилари – оналарнинг, аёлнинг ҳар томонлама билимли бўлиши, табиатга муҳаббати, унинг экологик билим ва маданияти даражаси ўта муҳим роль ўйнайди. Чунки халқимиз билиб «Қуш уясида кўрганини қилади» дейди. Қўлидаги чиқиндини йўлга улоқтириб кетадиган онанинг боласи чиқиндидан ҳудди шу усулда халос бўлади. Чунки у бошқа йўли борлигини билмайди. Болаларимиз зилининг қилганимизни кўпроқ қилади, айтганимизни эмас. Шунинг учун ҳам экологик маданият ва тарбия ҳақида гап кетар экан, аввало, миллат оналарига ушбу атамаларнинг чин моҳиятини англаш керак.

Экологик муаммо тараққиёт, хавфсизлик, аҳолининг турмуши ва бевосита одамлар ҳаётининг давомийлигига таъсир кўрсатиб, айниқса аҳолининг энг ёш қисми бўлган болалар ҳаётига катта хавф солади. Сир эмаски, ифлосланган атроф-муҳит биринчи навбатда ҳали ёш, энди шаклланиб бораётган организмга катта таъсир кўрсатади, унинг физиологик ва руҳий ривожланиш ҳолатига таъсир этмай қолмайди.

Кўп минг йиллик жамиятимиз

тарихи шундан далолат берадики оилада маънавий-экологик қадриятларга ва унинг қарор топишига катта эътибор берилган. Охириги юз йилликда юртимиз экологик тизимига катта салбий таъсир етказилди, аждоқларимизнинг табиатдан фойдаланиш борасидаги халқ удумлари ва анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари унутиб юборилди.

Аслида халқимиз бой экологик маданиятга эга. Асрлар давомида шаклланиб келган бой миллий маънавий қадриятларимиз ва меросимиз шундан далолат берадики, ота-боболаримиз, аждоқларимиз Она заминга ўзгача муносабатда бўлиб, сув, тупроқ, ҳавони қадрлаганлар. Табиат бойликлари ва унинг эҳсонларини асраб-авайлаб, улардан тежаб фойдаланганлар.

Шунинг учун ҳам кўпроқ оналар болаларга табиат инъом этган ер ва сувни асраб-авайлаш, тупроқ ва ҳавони ифлослантирмаслик, ўсимлик-яшиллик оламини сақлаш ҳақидаги ўғитларни доимий равишда сингдиришлари ва уларнинг ҳаёт мезонига айлантиришлари талаб этилади. Болаларимизга, ўлкамиз учун тобора қадрили бўлиб бораётган ичимлик сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш муносабатини шакллантириш айниқса, ўта муҳим масаладир.

Болаларимизда атроф-муҳитга бўлган дахлдорлик муносабатини шакллантириш, уларда масъулият ҳиссини уйғотиш ва тарбиялаш, табиат ресурсларидан – ер, сув, энергиядан, барча хом-ашёлардан эҳтиёткорлик, тежамкорлик билан, оқилона фойдаланиш, яъни уволга йўл қўймаслик кўникмаларини уларнинг кундалик ҳаётида сингдиришимиз, бу хатти-ҳаракатларда шахсий намуна кўрсатишда аёлнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Шунинг учун ҳам болаларимизнинг экологик тарбиясига асосий эътибор бериб, уларда юсак инсоний фазилят, атроф-муҳитга бўлган муносабатнинг яратувчанлик, бунёдкорлик ва обод этиш сифатларини қарор топтириш орқали экологик маданиятни шакллантиришда аёлга имкон бериш лозим. Зотан, оила муҳитида тоза ичимлик сувдан самарали фойдаланиш маданиятига қатъий амал қилиш ҳар бир оила аъзоларининг ажралмас фазилати-га айланишини таъминлаш учун аввало аёл экологик маданиятга эга бўлиши керак.



Inter-Parliamentary Union
For democracy. For everyone.



ЎЗБЕКИСТОН –

ДИПЛОМАТИЯСИ

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати,
академик



Парламентлараро Иттифок 150-Ассамблеяси якунларига бир назар

← 1-бет

ТОШКЕНТДА ЎТГАН ТАРИХИЙ АССАМБЛЕЯ

Бугунги кунда Парламентлараро Иттифок 182 та миллий парламент ва 15 та уюшган аъзони ўзида бирлаштирган ҳолда, 6 миллиарддан ортиқ инсон манфаатларини ифодалайди. Ташкилот БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар билан фаол ҳамкорлик қилиб, асосий глобал масалалар бўйича қонунчилик кун тартибини илгари суриб келмоқда.

150-юбилей Ассамблеяни ўтказиш жойи сифатида Тошкент танланиши Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатдаги роли ортиб бораётгани, кўп томонламалик ва очиқлик тамойилларига содиқлигининг эътирофи бўлди. Ўзбекистон парламент дипломатияси сиёсатини фаол амалга ошириб, хорижий парламентлар ва халқаро институтлар билан алоқаларни тобора мустаҳкамламоқда.

Тошкент Форумида 140 дан ортиқ мамлакатдан 2 мингдан ортиқ иштирокчи, жумладан, 100 дан зиёд спикер ва вице-спикерлар, 750 нафар депутат, 25 та халқаро ва парламентлараро ташкилот раҳбарлари, шунингдек, фуқаролик жамияти вакиллари глобал хавфсизликдан иқлим ўзгаришигача, рақамли трансформациядан тенглик ва инклюзиягача бўлган – давримизнинг энг долзарб муаммоларини муҳокама қилишда иштирок этди. Парламентлараро Иттифок Ассамблеясининг ўзига хослиги нафақат унинг кўлами, балки муҳокамаларнинг чуқурлиги, позицияларнинг очиқлиги ва ялпи ечимлар топишга астойдил интилишида ҳам намоён бўлди.

Ушбу йирик анжуман давомида ҳозирги замоннинг кўйидаги асосий масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Биринчи масала – тинчлик ва хавфсизлик йўлида парламент дипломатияси. Парламентлараро Иттифок Ассамблеясининг асосий мавзуларидан бири глобал хавфсизликни таъминлашда парламентларнинг роли бўлди. Парламент аъзолари можаролар шароитида ҳукуматлар фаолияти устидан парламент назоратини таъминлаш, шунингдек,



мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш муҳимлигини муҳокама қилдилар. Яқин Шарқдаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва дипломатик ваколатхоналарни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Иккинчи масала – ижтимоий адолат ва тараққиёт. Парламент аъзолари парламентлар ижтимоий адолат, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий ҳимояни қандай таъминлаши мумкинлигини кўриб чиқдилар. Бунда мамлакатлар ичида ҳам, улар ўртасида ҳам тенгсизликни камайтириш, барқарор ижтимоий ҳимоя дастурларини амалга ошириш устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлигига урғу берилди.

Учинчи масала – гендер тенглик ва аёлларнинг сиёсатдаги иштироки. Парламентлараро Иттифок Ассамблеяси сиёсатда аёлларни илгари суришдаги ютуқлар ва муаммоларни муҳокама қилиш учун қўлай мулоқот майдонига айланди. Аёлларнинг парламентдаги иштироки бўйича сўнгги рейтинг тақдим этилди: глобал миқёсда аёллар 26,9 фоиз ўринни эгаллаб турибди, аммо бу йўналишдаги ўсиш секинлашмоқда.

Хотин-қизлар форуми сессияларида Парламентлараро Иттифок Ассамблеясининг асосий резолюцияларига гендер масалаларини киритиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Парламентлараро Иттифокнинг Парламентарий-аёллар форуми ўзининг 40 йиллигини нишонлаш асносида хотин-қизларнинг парламент фаолиятидаги ютуқларини таъкидлаб, айни чоғда глобал миқёсда аёллар ҳуқуқларини илгари суришда давом этишини амалда намоён этди.

Тўртинчи масала – парламентлар келажаги ва уларда ёшларнинг иштироки. Парламентлараро Иттифокнинг Ёшлар форуми доирасида ёшларнинг сиёсатдаги иштироки мавзуси муҳокама қилинди. Парламент аъзоларининг таъкидлашича, фаол фуқаролик позициясига қарамай, ёшлар ҳали ҳам парламентларда кам вакилликка эга. Ёшларни сиёсатга жалб қилишнинг сайловларда иштирок этиш ёшини қисқартириш, ёш парламентарийлар учун квоталар, стипендиялар яратиш каби механизмлар кўриб чиқилди.

Бешинчи масала – сунъий интеллект одоби ва рақамли инклюзия. Парламентлараро Иттифок Ассамблеясида сунъий интеллектни тартибга солиш, рақамли ҳуқуқлар ва янги технологиялардан тенг фойдаланиш масалалари кўтарилди. Сунъий интеллектни парламент томонидан тартибга солиш,

рақамли технологиялардан тенг фойдаланишни таъминлаш, рақамли тафовутни бартараф этиш ва фуқароларнинг рақамли ҳуқуқларини ривожлантириш механизмлари муҳокама қилинди.

Олтинчи масала – барқарор ривожланиш ва низолар оқибатларини юмшатиш. Парламентлараро Иттифок Ассамблеяси, шунингдек, қурулти туқнашувлар инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини қандай вайрон қилаётгани, парламентлар бу салбий оқибатларни қандай юмшатиши мумкинлигига эътибор қаратди. Гуманитар дастурларни қонунчилик йўли билан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий инфратузилмани тиклаш, кўчирилган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гуманитар дастурларни ривожлантириш бўйича ёндашувлар ишлаб чиқилди.

ИННОВАЦИОН ТАШАББУС ВА ҚАРОРЛАР

Парламентлараро Иттифок Ассамблеяси глобал муаммоларни ҳал қилишга қаратилган асосий резолюциялар ва ташаббусларни тақдим этиш майдонига айланди. Улар орасидан энг муҳимларини санаб ўтамыз.

Биринчиси. Барқарор ривожланиш учун можароларнинг таъсирини юмшатиш тўғрисидаги резолюция – барқарор ривожланиш учун можаролар, шу жумладан қурулти можароларнинг узоқ муддатли таъсирини камайтириш бўйича парламент стратегияларига бағишланган.

Иккинчиси. Ёшлар ва хотин-қизларнинг сиёсатдаги иштирокини кенгайтириш – ушбу ташаббус Пекин платформаси ва Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллигига бағишланган «Гендер тенгликка эришиш: ҳаракат ортидан ҳаракат» кампаниясини бошлашга қаратилган. Бу ўринда Ўзбекистон ёш авлоднинг қарор қабул қилишдаги ролини кучайтириш йўлида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича парламентлараро платформани яратиш ташаббуси билан чиққани эътиборга сазовордир.

Учинчиси. Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон учун БМТнинг Барқарор ривожланиш макссадлари бўйича минтақавий марказини ташкил этиш.

Тўртинчиси. Фаластинда «икки давлат» ечимини илгари суриш тўғрисидаги резолюция қабул қилинди.

Бешинчиси. Кремер-Пасси мукофотида 2025 йил бўйича номинациялар эълон қилинди.

Янги Ўзбекистон раҳбари минтақавий ва халқа-

ро парламент ҳамкорлигини мустаҳкамловчи муҳим ташаббусларни илгари сурди:

- Ёшлар ва келажақ авлод ҳуқуқлари бўйича парламентлараро платформани яратиш;
- Тошкентда Парламент дипломатияси минтақавий марказини таъсис этиш;
- Парламентлараро Иттифок шафелигида Ёш парламентарийлар академиясини ўтказиш.

Ушбу тақлифлар замирида, таъбир жоиз бўлса, Янги Ўзбекистоннинг инклюзив ва барқарор кун тартибини шакллантиришдаги фаол позицияси, шунингдек, глобал муаммоларни ҳал қилиш ва демократик институтларни ривожлантиришда парламентларнинг ролини кучайтириш борасидаги қатъий хоҳиш-иродаси мужассамлашган.

ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИ – ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИДА ЯНГИ ДАВР

Ўзбекистон Президенти жаҳон парламент ҳамжамиятига мурожаатида парламент дипломатиясининг низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқларини кенгайтириш, иқлим муаммолари ва коррупцияга қарши курашиш, шунингдек, халқлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш воситаси сифатидаги устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу тарихий нутқ Ассамблеянинг муҳим воқеаси бўлибгина қолмай, балки парламент дипломатияси учун янги кун тартибини ҳам очиб берди.

Биринчидан. Парламентлар – халқлар овози, умид ва ишонч овози. Ўсиб бораётган халқаро кескинлик ва глобал таҳдидлар шароитида Шавкат Мирзиёев дунё аҳлига миллий парламентларнинг ролига янгича қарашни тақлиф қилди. Ўзбекистон раҳбарининг сўзларига кўра, «**кучли парламентлар – барқарор тинчлик асоси**», парламент мулоқоти эса низоларнинг олдини олиш ва халқлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашнинг самарали воситасидир.

Давлатимиз раҳбари глобал парламент мулоқотини ишонч, инклюзивлик ва адолат тамойиллари асосида қайта форматлаш зарурлигини таъкидлади, бу эса парламентларнинг низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш жараёнида фаол аралашувини талаб қилади. Ўзбекистон етакчиси «қурул тили янграйдиган» дунёда парламентларни «виждон ва келажақ тили билан гапириш», фуқароларнинг орзу-интилишлари ва манфаатларини ифода этишга чорлади. Президентимиз эътирофича,

Yerga oid huquqni o'z vaqtida ro'yxatdan o'tkazmaslik javobgarlikka sabab bo'ladi.

ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТ

ЕТАКЧИСИ

← парламентлар глобал ечимларда халқлар овози эшитилишида муҳим роль ўйнайди.

Иккинчидан. Демократик трансформациялар – парламент легитимлигининг асоси. Президентимиз ўз нутқида сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилган муваффақиятли ислохотларга алоҳида эътибор қаратди. Давлат бошқарувини модернизация қилиш, қонунчилик фаолиятига инновацион механизмларни жорий этиш ва фуқаролик жамиятининг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши муҳимлиги ҳақида гапирди.

Шавкат Мирзиёев давлат институтларининг очиқлиги ва шаффофлиги нафақат мамлакатнинг ички ривожланишига, балки унинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилишини ўқтирди. Шу билан бирга, **«Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ортга қайтмас демократик ислохотлар ва прагматик ташқи сиёсат йўлидан дадил қадам босиб, дунё ҳамжамияти билан очиқ ва жадал мулоқот олиб бормоқда. Биз мамлакатимизда кучли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг шароитлар яратяпмиз»**, – деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Учинчидан. Парламент дипломатияси ва кўп томонлама ҳамкорлик. Президентимиз ўз нутқида халқаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида ўрин ажратиб барча мамлакатлар парламентларини иқлим ўзгаришидан тортиб ижтимоий адолатни таъминлашгача бўлган глобал муаммоларни ҳал қилиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чақирди. Давлатимиз раҳбари Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеяси тажриба алмашиш ва ҳамкорликнинг умумий принципларини ишлаб чиқиш учун ноёб майдон бўлиб хизмат қилаётгани, бу эса тобора кучайиб бораётган геосиёсий кескинлик шароитида айниқса муҳим эканини таъкидлади.

Тўртинчидан. Ёшлар ва хотин-қизлар – парламент кун тартиби марказида. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида гендер тенглик ва ёшларнинг сиёсатдаги иштироки масалаларига ҳам тўхталди. Хотин-қизлар ва ёшларни фаол жалб этиш барқарор ва инновацион ривожланиш гарови эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг сўзларига кўра, тенг имкониятлар соҳасидаги ислохотлар нафақат ҳар бир фуқаронинг салоҳиятини очиш, балки мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги форматларини яратиш имконини ҳам беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи бутун дунё парламент делегациялари томонидан илқ кутиб олинди. Давлатимиз раҳбарининг таклифлари Ўзбекистоннинг халқаро дипломатияда фаол иштирокчи ва глобал жараёнларда конструктив воситачи сифатидаги роли ортиб бораётганининг ўзига хос ифодаси бўлди. **Ўзбекистон Президенти ташаббуслари «Ижтимоий ривожланиш ва адолат учун парламент ҳаракати»** Тошкент декларациясида ўз аксини топди.

ЕВРООСИЁДАН – ЯҚИН ШАРҚҚАЧА

Ўзбекистон Президенти Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси доирасида жами 11 та расмий учрашув ўтказди. Бу учрашувларда 17 та хорижий давлат парламентлари раҳбарлари ва иккита етакчи халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди.

Музокараларда икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, тинчлик ва хавфсизлик, барқарор ривожланиш мавзуларида сўз юритилди.

Муҳим учрашувлар сирасига Парламентлараро Иттифоқ президенти **Тулия Эксон** ва Бош котиб **Мартин Чунгонг** билан музокаралар киради. Шу

ўринда Мартин Чунгонг жаноблари халқаро парламент ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат мукофоти – «Дўстлик» ордени билан тақдирланганини таъкидлаш айна муддаодир.

Шунингдек, БМТ Бош котибининг Болаларга нисбатан зўравонлик масалалари бўйича махсус вакили **Нажат Маала** билан учрашув бўлиб ўтди. Президентимиз билан айна мулоқот асносида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва БМТнинг Ўзбекистондаги дастурларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеяси доирасида ўтказилган учрашувлар жонажон Ўзбекистонимиз ва мухтарам Президентимизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганининг ўзига хос ёрқин тасдиғи бўлди.

Бу муҳим мулоқотлар мамлакатимизнинг конструктив ҳамкорлик учун очиқлигини, глобал парламентаризмнинг янги архитектурасини шакллантиришдаги фаол ролини амалда яққол намоён этди.

Бу парламент демократиясининг муҳим воқеаси – **парламент бирдамлиги ва халқлар ўртасидаги ўзаро англашув даврининг тарихий тимсолига** айланди.

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ: ПАРЛАМЕНТЛАР ГЛОБАЛ МУЛОҚОТИДА ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Диққатга сазовор томони Парламентлараро Иттифоқ 150-Ассамблеясининг якунида **«Ижтимоий ривожланиш ва адолат учун парламент ҳаракати» номли Тошкент декларацияси қабул қилинди.** Бу ҳужжат кўп қунли муҳокамаларнинг чўққиси ва халқаро парламент ҳамжамияти ҳозирги даврнинг устувор муаммолари бўйича эришган консенсуснинг мўъжаз ифодасидир.

Мазкур Декларация стратегик хусусиятга эга. У глобал хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланиш, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни илгари суриш, ёшлар ва инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича парламент ҳаракатларининг кенг қамровли дастури ҳисобланади.

Тошкент декларациясида ижобий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида парламентларнинг роли алоҳида таъкидланган. Жумладан:

Биринчи йўналиш. Тинчлик ва хавфсизлик. Декларацияда низоларни ҳал қилиш, ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш ва халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш учун парламент мулоқотидан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш, хусусан, Исроил-Фаластин можаросини икки давлат ўртасида ҳал қилиш ғоясини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Иккинчи йўналиш. Барқарор ривожланиш. Декларацияда қурулли можаролардан зарар кўрган минтақаларни тиклаш ва «яшил» иқтисодиётни ривожлантиришга оид барқарор ривожланиш моделларини амалга ошириш устидан парламент назорати концепцияси илгари сурилди. Парламентлар аъзоларининг таъкидлашича, барқарор

ривожланишга фақат давлатлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик ва халқаро тажрибадан самарали фойдаланиш орқали эришиш мумкин.

Учинчи йўналиш. Ижтимоий адолат. Декларациянинг марказий унсурларидан бири фуқароларнинг барча тоифалари учун асосий ижтимоий хизматлар – таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имкониятини таъминлаш талабидир. Бунда ижтимоий тенгсизликни камайтирадиган ва аҳолининг заиф қатламларини ҳимоя қиладиган қонунларни ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланмоқда.

Тўртинчи йўналиш. Гендер тенглик ва ёшлар иштироки. Декларацияда хотин-қизлар ва ёшларнинг парламент фаолиятидаги иштирокини ошириш муҳимлигига эътибор қаратилмоқда. Парламентлар аъзолари томонидан барқарор ва инклюзив ривожланишнинг кафолати бўлган квоталар, мураббийлик дастурлари ва сиёсатда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш чораларини жорий этиш бўйича тавсиялар илгари сурилди.

Тошкент декларацияси шунчаки тавсиялар тўпламидан иборат эмас. Аксинча, бу ҳужжат алақачон парламент дипломатиясини кучайтириш ва глобал ҳамкорликнинг янги механизмларини яратишга қаратилган стратегик платформага айланди.

ҚАНДАЙ ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАР НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА?

Биринчиси – парламентлараро ҳамкорликни кучайтириш. Декларацияда миллий қонун чиқарувчи органлар ўртасида парламент тажрибасини фаол алмашиш ва глобал таҳдидларга жавоб беришнинг ягона тизимини шакллантириш муҳимлиги таъкидланган.

Иккинчиси – парламент демократиясининг янги сифати. Декларация вакиллик ҳокимиятининг эволюцияси, яъни тадрижий ривожланишини кўрсатади: замонавий парламентлар муаммоларни пасив, суғ муҳокама қилишдан глобал кун тартибини шакллантиришда фаол иштирок этишга ўтмоқда.

Учинчиси – барқарорлик ва мослашувчанлик. Иқтисодий, ижтимоий ва экологик инқирозлар шароитида Декларация миллий парламентлар учун низолар оқибатларини бартараф этиш, ресурсларни қайта тақсимлаш ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш бўйича стратегик режалар тузиш имконини берувчи ўзига хос «йўл харитаси»га айланади.

Тўртинчиси – ҳаракатлар учун сиёсий сигнал. Келгуси йилларда Тошкент декларацияси миллий даражадаги қонунчилик ташаббуслари ва соҳадаги ҳамкорликнинг парламент платформаларини, хусусан:

- Барқарор ривожланиш мақсадларининг амалга оширилиши устидан парламент назоратини кучайтириш;
- ижтимоий ҳимоянинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш;
- сиёсатда аёллар ва ёшлар ҳуқуқларини кенгайтириш;
- хавфсизлик, иқлим ва рақамли трансформация муаммолари шароитида парламентлараро ҳамкорликда инновацияларни жорий этиш каби соҳалар бўйича янада мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бешинчиси – янги авлод дастурий ҳужжати. Декларация дунё парламентларининг янада адолатли, хавфсиз ва барқарор келажақни яратишга бўлган умумий интилишини акс эттиради.

Олтинчиси – ижтимоий ривожланиш парламент кун тартибининг марказида. Тошкент декларациясида бундан 30 йил олдин Копенгагенда бўлиб ўтган ижтимоий ривожланиш бўйича биринчи саммит бошлаб берган кун тартибига

қайтиш муҳимлиги таъкидланган. Иштирокчилар Қатардаги саммит яқинлашгани муносабати билан ижтимоий ривожланишни парламент кун тартибининг марказига қўйиш зарурлигини таъкидладилар.

Бундан мақсад – барқарор ривожланишга, айниқса:

- қашшоқлик ва очликни тугатиш;
- соғлиқни сақлаш, таълим ва гендер тенгликни таъминлаш;
- муносиб иш ва иқтисодий ўсиш;
- тенгсизликни камайтириш;
- тинчлик ва адолат институтларини мустаҳкамлаш йўналишларидаги барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдир.

ХАЛҚАРО МИКЁСДАГИ ЕТАКЧИЛАР – 150-АССАМБЛЕЯ ҲАҚИДА

Тошкентда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси жаҳон парламент экспертлари ва сиёсий ҳамжамиятида кенг акс-садо берди. Иштирокчиларнинг фикрларини умумлаштириб айтадиган бўлсак, **«Ўзбекистон глобал мулоқот архитектурасини шакллантираётган давлатлар қаторидан дадил жой олди»**, деган эътироф келиб чиқади.

Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг таъкидлаганидек, «Ўзбекистон дунё бўлинишларга дуч келган тақдирда ҳам парламент қандай қилиб бирдамлик майдони бўлиши мумкинлигини намоён этди». Унинг сўзларига кўра, «Ўзбекистон Евроосиёнинг нафақат географик, балки турли хил овозларни ҳам бирлаштиришга қодир бўлган сиёсий маркази эканлигини ҳам исботлади».

Жозеф Томас Исаак (Доминикана) «Ўзбекистон Ассамблеяда муҳим ташаббусларни илгари сурган давлат сифатида намоён бўлди», деган бўлса, **Пер Фердинандо Касини (Италия)** «Ассамблеянинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг минтақавий етакчилигини мустаҳкамлайди», деган фикрни билдирди.

Қатар вакили Ҳасан Ал-Гамининг фикрича, «150-юбилей Ассамблеясининг Тошкентда ўтказилиши сўнгги йилларда ўз ислохотлари билан халқаро ҳамжамиятга намуна бўлаётган Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга». **Мальгалик Анжело Фарружа** эса «Тошкентдаги Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеяси замонавий дунё муаммоларини муҳокама қилиш учун ажойиб имкониятдир», дея эътироф этди.

Парламентлар аъзолари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва ижобий ўзгаришларни алоҳида қайд этдилар. Мамлакатимиз тинч-тотув яшаш, очиқлик, мулоқот ва барқарор келажақка интилиш намунаси сифатида қабул қилинди.

Умуман олганда, Тошкентда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси миллий парламентлар вакиллари томонидан юксак баҳоланди. Жаҳон парламентарийлари фикрича, **Тошкент Янги Ўзбекистон парламент дипломатиясининг жадал ривожланаётган жаҳон маркази сифатидаги мақомини амалда тасдиқлади.** Шунинг баробарида, пойтахтимиз глобал мулоқотни мустаҳкамлаш ва бугунги куннинг энг ўтқир муаммоларини ҳал қилиш бўйича кейинги қадамлар қўйишнинг бошланғич нуқтаси сифатида тарихдан жой олди.

Парламентлараро Иттифоқнинг Тошкент юбилей Ассамблеяси халқаро миқёсдаги тадбирлардан кўра анча муҳимдир. Чунки **бу Ассамблея парламентлараро мулоқотнинг янги фалсафаси бўлиб, унинг марказида инсон, ҳуқуқлар, ишонч ва келажақ туради. Айни жараёнда Ўзбекистон шунчаки қабул қилувчи томон эмас, балки парламентлар тобора муҳим роль ўйнаётган глобал парламент дипломатиясининг янги тўлқини етакчисига айланди.**

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг мезбон сифатида танланиши, унинг янги кун тартибини шакллантиришдаги ташаббускорлик роли, шунингдек, муҳокама қилинаётган мавзуларнинг кўлами Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеясини XXI аср парламент дипломатиясини ривожлантиришда бурилиш нуқтаси сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Ўзгариб бораётган дунёда айнан парламентлар тинч ўзгаришлар, қонуний қарорлар ва барқарор ривожланишнинг драйверига айланиши мумкин.

EKOLOGIYA

O'zbekistonda kanopdan
bioyoqilg'i ishlab chiqarish
yo'lga qo'yilmoqda.

Электрон муаммоси

Атроф-муҳитга таҳдид солаётган яна бир хавф

Электрон чиқинди-лар – ишлатилмаётган ёки эскирган электрон қурилмалар, жумладан, компьютер, смартфон, телевизорлар, маиший техника ва бошқа электрон асбоб-ускуналардир. Ушбу чиқиндилар таркибида бир қатор зарарли моддалар бўлиб, улар нотўғри қайта ишланганда атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Электрон чиқиндилар қатор оғир металллар ҳамда токсик кимёвий моддалардан иборат. Уларни номаъқул усуллар билан утилизация қилиш, масалан, ёқиш ёки нотўғри ҳудудларга ташлаш тупроқ таркибига оғир металл ва кимёвий моддаларни чиқаради. Бу эса ўсимликлар ва микроорганизмларга зарар етказиши мумкин. Оғир металллар ва токсик кимёвий моддалар ер ости сувларида ёки дарё ва кўлларга ўтиб, ичимлик сув инфлосланишига олиб келиши мумкин.

ХАВФЛИ ТОМОНЛАРИ

Электрон чиқиндиларни ёқиш жараёнида ҳосил бўладиган зарарли газлар ва чанг заррачалари ҳаво сифатини ёмонлаштириши ҳамда нафас олиш билан боғлиқ касалликларни келтириб чиқаради.

Оғир металллар инсон организмга кирганда, улар асаб тизими, юрак ва буйрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

тиши, шунингдек, турли касалликлар, жумладан, саратон ривожланиш хавфини ошириши мумкин.

Ҳар йили глобал миқёсда миллионлаб тонна электрон чиқиндилар йиғилади. Йилдан-йилга уларнинг ҳажми ортиши кутилмоқда. Ривожланган мамлакатларда электрон чиқиндиларнинг қайта ишланиш даражаси 20-30 фоиз бўлса, аксарият давлатларда бу кўрсаткич анча паст.

Электрон чиқиндилар экология ва инсон саломатлигига жиддий таҳдид солади. Уларни хавфсиз тарзда йиғиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш учун илғор технологиялар, қатъий қонунчилик ва жамиятнинг хабардорлиги муҳим аҳамиятга эга.

ЎЗИМИЗДА ҚАНДАЙ?

Ҳозирда Ўзбекистонда электрон чиқиндиларни утилизация қилиш соҳаси ривожланиш босқичида ва бу борада муайян ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам мавжуд. 2019 йилда Ўзбекистонда 139,7 минг тонна электрон чиқинди ҳосил бўлган бўлса, улардан атиги 0,2 фоизи қайта ишланган. Электрон чиқиндилар ҳажми йилига тахминан 5 минг тоннага ошиб бормоқда.

Маълумки, мамлакатимизда 2019 йилда «Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш стратегияси» қабул қилинган. Унда

электрон чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш ҳам назарда тутилган. Шунингдек, Президент қарорига мувофиқ, электрон маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчиларга чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш бўйича масъулият юклатилган. Электрон чиқиндиларни қайта ишловчи тадбиркорлар учун «яшил» субсидиялар жорий этилмоқда.

Аммо соҳадаги қатор муаммолар сабаб чиқиндилар утилизациясининг келажаги биров хавотирли. Агар ҳозирги ҳолат сақланса, Ўзбекистонда экологик тоза усулда йиғилмаган ва қайта ишланмаган чиқиндилар ҳажми 2030 йилга келиб 1,2 миллион тоннага, 2050 йилга келиб эса 5,6 миллион тоннага етиши мумкин. Шу билан бирга, 2050 йилга бориб бошқарилмайдиган чиқиндилар таркибидаги қўроғошин ва симоб миқдори деярли 1,4 минг тоннага етиши мумкинлиги – табиатга жиддий таҳдид солади.

НАЗОРАТ ТАРТИБИ

Муаммонинг кенгайиб бораётгани асосий омил электрон чиқиндилар учун алоҳида қонун ёки тўлиқ ижрога қаратилган регламентнинг йўқлигидир. Электрон чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш учун махсус пунктлар, контейнерлар ва технологик линиялар сони жуда кам. Электрон чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш кўп харажатли, лекин даромади кам бўлиши мумкин.

Кўпчилик юртдошларимиз электрон чиқиндилар хавфини билмайди ва уларни оддий чиқиндилар билан бирга ташлайди.

Экорейд

Шер – хонаки ҳайвон эмас



Самарқанд туманида яшовчи фуқаро Африка шери боласини туманнинг Окбўйро маҳалласи ҳудудидаги дала ҳовлиларнинг бирига яширишга урингани маълум бўлди.

Ўтказилган экорейд тадбири давомида шер боласи дала ҳовлининг сим тўсиғига боғлаб кетилган ҳолда топилди. Унга биринчи ёрдам кўрсатилиб, вақтинча сақлаш учун вилоят кинология марказига олиб борилди ҳамда алоҳида парваришга олиниб, тиббий кўрикдан ўтказилди.

Айни пайтда ушбу қонунбузарлик юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, вилоят прокуратураси томонидан ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилмоқда.

Таътил, ўқувчи ва она табиат

Ёш авлоднинг экологик билим ва кўникмаларини шакллантириш танаффус ва чегара билмайдиган биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Экологик маданиятни юксалтиришга айна шу орқали эришилиши инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Мана, юртимизда барча умумий ва ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ёзги таътилни бошлашди. Таътилни мароқли ва унумли ўтказиш эса барчани бирдай ўйлантирийдиган масала ҳисобланади. Яқинда қабул қилинган «2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси» мактабгача ва мактаб таълимида фарзандларимизнинг экологик маданиятини юксалтириш масаласига катта эътибор қаратгани билан аҳамиятлидир. Концепцияни амалга тадбиқ қилиш ҳамда кутилган самарага эришиш учун биринчи навбатда унинг мазмун-моҳиятини ўзимиз яхши тушуниб етишимиз ҳамда ёшларга уни тўғри етказиш олишимиз муҳим. Бунда ишни ёшларда она табиатга меҳр-муҳаббат пайдо қилишдан бошлаш

ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади.

Зарафшон Миллий табиат боғи илмий ходимлари



2025-yilning o'zida
**oqova suv tizimiga 2 285 ta
noqonuniy ulanish aniqlandi.**

ЧИҚИНДИЛАР

ди. Мисол учун, ишлатиб бўлинган оддий батареяларнинг қанчаси ҳар куни маиший чиқиндиларга қўшилиб кетади. Мактаб, ОАВ ёки интернет орқали етарли даражада ахборот-тарғибот кампаниялари олиб борилмайди. Электрон чиқиндиларнинг микдори, турлари, қаерга кетаётгани ҳақида аниқ маълумотлар етарли эмас. Кўплаб корхоналар фойдаланилган қурилмаларни норасмий ёки «қора бозор» орқали йўқ қилади ёки қайта сотади.

Электрон чиқиндилар Ўзбекистонда тўлиқ назорат қилинмаётгани бу – қонунчилик, инфратузилма, молиявий рағбат, аҳоли хабардорлиги ва назорат механизмларининг суғлиги билан боғлиқ тизимли муаммодир.

БУ ИШГА КИМЛАР МАСЪУЛ?

Электрон чиқиндилар муаммосини самарали ҳал қилиш ва назорат қилиш учун бир нечта субъектлар ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиши зарур. Хусусан, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги – чиқиндиларни умумий бошқариш, мониторинг, экологик назорат олиб боради. «Тоза ҳудуд» ДУК – маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва олиб чиқиш билан шуғулланади, аммо электрон чиқиндиларни тўплаш тизими ҳали тўлиқ эмас. Давлат экологик инспекцияси – чиқиндиларни ноқонуний ташлаш ва нотўғри утилизация қилиш ҳолатларини аниқлаш ва жазолаш ваколатига эга. Маҳаллий ҳокимликлар – жойларда чиқинди тўплаш пунктларини ташкил қилиб, аҳолини хабардор қилади.

ЕЧИМ БОРМИ?

Электрон чиқиндилар билан боғлиқ муаммони бартараф этиш учун қонунчиликни янада кучайтириш, инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини хабардор қилиш, хусусий секторни рағбатлантириш, халқаро тажриба ва технологиялардан кенг фойдаланиш зарур.

Электрон чиқиндилар фақат экологик муаммо эмас. Уни эътиборсиз қолдириш келажак авлод саломатлиги ва табиий ресурслар хавфсизлигига таҳдид солади. Шунинг учун ҳар бир фуқаро, ташкилот ва давлат бу муаммони ҳал қилишда катта масъулиятни зиммасига олмоғи керак.

Ирода РАҲМОНАЛИЕВА,
ЎЭП Марказий Кенгаши
матбуот бўлими бош мутахассиси

Самарқанд давлат университети экология кафедраси ўқитувчилари, экофаол талабалар билан биргаликда аллақачон бу масъулиятли вазифани бажаришга киришишди. Таътил пайтидаги «Ёзги мактаб» лойиҳалари доирасида ўқувчи-ёшларни табиат қўйнидаги диққатга сазовор жойларга олиб бориш, табиий муҳофазага олинган ҳудуд ва биологик турлар билан яқиндан таништириш, муҳофазанинг зарурати ва аҳамиятини тушунтириш орқали уларда табиатга меҳр-муҳаббат ҳосил қилишга эришиш мумкин.

Яқинда Жомбой туманидаги Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 56-сонли умумий ўрта таълим мактабида био-хилма-хилликни асраш ҳақидаги тарғибот тадбири ана шундан амалий фаолият намунаси бўлди. Унда долзарб экологик муаммолар, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим йўналишлари, инсон ва табиат уйғунлиги, ёш авлодни бу борадаги фаоллиги ҳақида фикр алмашилди. Малакали мутахассислар ўқувчиларда табиат ресурсларига бўлган оқилона муносабатни шакллантиришга ҳаракат қилишди. Экологик ўйинлар, кўргазмали воситалар, тезкор савол-жавоблар юртимизда амалга оширилаётган турли экологик лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги қарашларни кенгайтиришда ўқувчиларга кўмакчи бўлди.

Ёзги таътилни янада мароқли ва самарали ўтказиш мақсадида ота-оналар, устоз ва мураббийлар ўқувчиларни юртимиздаги табиат музейлари, миллий табиат боғлари, ҳайвонот боғи, кўриқхоналар каби ҳудудларга саёҳатга олиб бориш орқали уларнинг табиатга бўлган муносабатини, экологик маданиятини юксалтиришга эришишлари мумкин.

Эркин ХОЛМАНОВ,
Зарафшон Миллий табиат боғи фан,
атроф табиий муҳит мониторинги бўлими мутахассиси



ecouz.uz ecouz.uz ecouz.uz ecouz.uz ecouz.uz ecouz.uz
PARTIYA
HAYOTI

Фарғонада ПЛОГГИНГ акцияси

ЎЭП Фарғона вилоят кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Ал-Фарғоний истироҳат боғида «Биргаликда кучмиз – биз табиат учун ғамхўрмиз!» деб номланган плоггинг акцияси бўлиб ўтди.

Акцияда ФарДУ талабалари, эковолонтерлар ҳамда Миллий маданий марказ вакиллари билан иборат 250 нафардан зиёд иштирокчилар қатнашди.

Акция иштирокчиларига Экологик партия логотипи туширилган футболкалар ва махсус кийимлар тарқатилди. Ёшлар марказий боғнинг ички ва ташқи ҳудудларини икки соат давомида чиқиндилардан тозалаш, уларни белгиланган нуқтага олиб келишди. Сўнг чиқиндилар махсус техника ёрдамида олиб кетилди.

Энг фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари ва ЎЭП Фарғона вилоят кенгашининг ташаккурномалари топширилди.

Чиройли ҳаётни тамаки билан булғаманг!

Сариосиё туманидаги 50-сонли умумтаълим мактабида ЎЭП туман кенгаши ва партиянинг Ёш экологлар қаноти ташаббуси билан Халқаро чекишга қарши кураш кунига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда мактаб ўқитувчилари, ўқувчи ёшлар ҳамда партия фаоллари иштирок этишди. Давра суҳбати мобайнида иштирокчиларга тамаки маҳсулотларининг инсон саломатлигига кўрсатадиган салбий таъсири, чекиш оқибатида ривожланадиган хасталиклар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Тадбир интерфаол шаклда, очиқ мулоқот руҳида ўтди. Савол-жавоблар орқали иштирокчиларнинг фикр ва таклифлари эшитилди, соғлом ҳаёт тарзи ва зарарли одатлардан воз кечишнинг аҳамияти кенг тарғиб қилинди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 1988 йилдан бошлаб 31 май санаси «Халқаро чекишга қарши курашиш куни» сифатида нишонлаб келинмоқда. Бу сана бутун дунёда инсонларни чекишнинг зарари ҳақида хабардор қилиш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган.

Дарахтларни ХАЛОС ҚИЛИНГ!

Навоий вилояти Қизилтепа туманида экологик ҳолатни яхшилаш ва яшил муҳитни асраш мақсадида навбатдаги амалий тадбир ташкил этилди. ЎЭП Қизилтепа туман кенгаши раиси ташаббуси билан «Ўзбекистон» маҳалласи, Мустақиллик кўчасида экологик ҳолатни ўрганишга қаратилган рейд тадбири ўтказилди.

Кўплаб дарахтлар танаси бетон билан қоплаб қўйилгани, яъни уларнинг илдиз қисмига ҳаво ва сув етиб боришига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар аниқланди. Бу эса дарахтлар кўкариши учун жиддий хавф туғдириши мумкинлиги таъкидланди.

Мазкур муаммога нисбатан зудлик билан чора кўриш мақсадида маҳалла ҳудудида фаолият юритувчи масъул корхона ва ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Дарахтлар тагини қоплаб турган бетон қатламлар олиб ташланди ва табиат фарзандлари яна эркин «нафас олиш» имконига эга бўлди.

Ушбу амалий қадам партиянинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил маконларни асраш ва жамоатчиликда экологик маданиятни шакллантиришга қаратилган узлуксиз фаолиятининг навбатдаги ифодасидир.



Табиатга муҳаббат – КЕЛАЖАККА МАСЪУЛИЯТ

Сирдарё вилоятида экологик маданиятни юксалтириш ва ёшлар ўртасида табиатга бўлган масъулиятни ошириш мақсадида ЎЭП Сирдарё вилоят Кенгаши ҳамда Гулистон давлат педагогика институти ҳамкорлигида амалий тадбир ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари қарори билан жорий йил 15 май куни қабул қилинган «2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси»да белгиланган вазифалар ва уларни амалга оширишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида институтда «Мен табиатни асрайман» мавзусида талабалар ўртасида дебат (мунозара) бўлиб ўтди.

Тадбирда турли факультетларда тахсил олаётган талабалар фаол иштирок этишди.

Улар экологик муаммолар, уларнинг ечимлари, аҳоли ўртасида экологик онг ва маданиятни шакллантириш каби долзарб масалалар юзасидан ўз фикр ва қарашларини асосли ва далилли ҳимоя қилишди.

Жамоалар иқлим ўзгариши, чиқиндиларни тўғри бошқариш, қайта тикланувчи энергия манбалари ва жамоатчилик фаоллигининг аҳамияти каби мавзуларни чуқур таҳлил қилиб, ўз муносабатларини билдиришди.

Камолиддин РЎЗИМАТОВ тайёрлади.



... ana shunaqa gaplar

Дарахтга нафас беринг!

Юртимиз бўйлаб «Дарахтга нафас беринг!» экологик акцияси давом этмокда. Ушбу акция Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ташаббуси билан ўтказилмокда ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган.



Акциянинг асосий мақсади – дарахтларнинг илдизларига ҳаво ва сув киришига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, шунингдек, дарахтларга ўрнатилган турли техник қурилмалар – симлар, реклама баннерлари ва бошқа табиий ўсишга халал берувчи нарсалардан халос қилишдир.

Мазкур ташаббус доирасида Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туман Экология бўлими давлат инспекторлари томонидан «Йслом шоир» маҳалласида йўл ёқаларидаги дарахтлар ҳолати мониторинг қилинди. Текширув давомидида икки туп қарағайнинг таги бетонлаб юборилгани, шунингдек, танасига турли электр мосламалари ўрнатилгани аниқланди. Бу ҳолатлар зудлик билан бартараф этилиб, масъулларга огоҳлантириш берилди.

Бундан ташқари, деҳқон бозори атрофида, туман марказий ва ички кўчаларида ҳам назорат давом этмокда. Бу ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 464-сонли қарорига мувофиқ, қимматбаҳо дарахт турларини рўйхатга олиш ва уларни сақлаш, тўғри муҳофаза қилиш ишлари олиб борилмокда.

Акция нафақат табиатни муҳофаза қилиш, балки аҳолига атроф-муҳитга меҳр билан муносабатда бўлиш зарурлигини яна бир бор эслатади. Дарахтлар ҳавони тозалаш ва шаҳарларнинг иқлим муаммоларига бардошлилигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Экология вазирлиги барча фуқароларни ушбу ташаббусга қўшилишга: ўз ҳовилиларидаги дарахтларга эътиборли бўлиш, ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш ва яшил ҳудудларга зарар етказмасликка чақиради.

Агар дарахтларнинг бетонлаб юборилиши ёки бошқа зарар етказувчи ҳолатларга дуч келсангиз, қуйидаги телефон рақамлари орқали Экология вазирлигига хабар беринг:

(71) 207-11-07, (71) 207-11-08, 1157 ёки 1207.

Шунингдек, @ecogovuz_bot телеграм-боти орқали матн, фото ёки видео кўринишида мурожаат юборишингиз мумкин.

Реклама

100 million soʻmgacha kredit karta

Xorijda ham foydalaning!

Хизматлар лицензияланган

Oila va
TABIAT
Ijtimoiy-siyosiy, ekologik gazeta

OER
O'zbekiston Respublikasi
parlamenti

Ўзбекистон
Экологик партияси Марказий
Кенгаши наشري

Тахрир хайъати:
Абдушукур **ҲАМЗАЕВ**
Азиз **АБДУҲАКИМОВ**
Рустам **МАМАТҚУЛОВ**
Хайрулло **ГАППОРОВ**
Нарзулло **ОБЛОМУРОДОВ**
Зиновье **НОВИЦКИЙ**

Бош муҳаррир:
Хусниддин БЕРДИЕВ
Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000.
Амир Темур 1-тор кўчаси,
2-уй.
Тел/факс: 71 234-83-45.
E-mail: info@od-press.uz

Газета 2022 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида қайта рўйхатдан ўтказилган. Ғувоҳнома рақами: № 0814.

Муассис: «Оила ва табиат» газетаси МЧЖ «Kolorpak» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1а-уй.

Буюртма: 1427
ISSN 2181-6190
Обуна индекси – 193
Адади: 5831 нусха.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табок.
Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6



Бекобод тумани ҳокими:



«Чинакам мутолаа
инсон онги ва

келажакгини ўзгартиради»

← 1-бет

Аммо...
Тўй-томоша ва зиёфатлардан ортмайдиган айрим ота-оналар уйига битта китоб кўтариб келмаса, маънавият хазиналари бўлган газета ва журналларга обуна бўлиш анъанаси аллақачон ўтмишга айланган, болаларнинг бутун ҳуш-хаёли телефондаги ижтимоий тармоқларда бўлса, муаммога қандай жиддий чора топмоқ мумкин?

Бугун жаҳондаги улкан глобаллашув даврида инсоннинг интеллектуал салоҳияти ғоят қадрли мулкка айланиб борапти. Энди илм-фан, ақл-идрок, маърифат ва ахлоқий тақомилимиз дунёдаги мавқеимизни белгилайдиган асосий омил ҳисобланмокда. Шу маънода, илм воитасида тараққий топиш дунёда турмоқ учун ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга экани аниқ ҳақиқат. Бу ҳақиқатни аввало катталар – ота-она, устоз-мурабийлар, масъул раҳбарлар англаб етмоғи ва шунга муносиб ҳаракат қилмоғи зарур.

Бекобод тумани ҳокими Зайнилобиддин Низомиддинов томонидан «Ҳар мактабга 100 китоб» ташаббуси илгари сурилиб, пойтахтдан истеъдодли ва таниқли ёзувчи, шоир, санъаткор, олим ва нотиклар иштирокида илм хазиналарини мактабларга адабий кечалар, маърифий суҳбатлар, ўзига хос байрам руҳи орқали етказилаётгани ҳақидаги хабарларни эшитиб, очиги жуда хурсанд бўлдим. Сабаби, кейинги пайтларда мактаб кутубхоналарини турли фан соҳаларига оид, болалар ёши ва дунёқарашига мос энг зарур адабиётлар билан мунтазам таъминлаб бориш ишлари долзарб

аҳамият касб этапти. Бола мактаб давридаёқ инсониятнинг катта муаммоларига эътибор қаратиб, уларга ечим излашга киришса, онги ва келажакгини, шу зайдда миллат истиқболини ўзгартирувчи буюк шахсга айланиши мумкин бўлади. Буни бобо тарих қайта-қайта исботлаб қўйган.

Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, мақом институти талабаси Олима Тожибоева, таниқли журналист ва олимлар билан туман марказидан анча олисда жойлашган 31-, 39-, 44- ва 46-ўрта мактабларга китобларни тухфа қилиш бўйича ижодий учрашувларда иштирок этдик. Туман катта. Бошдан-охир қарийб 138 километр. Жазирама бўлишига қарамай, туман таълими раҳбари, ниҳоятда камтар ва дилбар аёл Нодира Зоиркуловна билан кун бўйи-120 километрдан ортиқ масофани босиб ўтдик. Соя-салқинда юрган биз шаҳарда яшовчилар учун бу, очиги, осонмас. Бироқ бегубор ва китобга чанқоқ ўқувчи-ёшлар, жонфидо ва дилкаш устозлар билан дилдан суҳбатлашиб, самимий мулоқотлар қуриб, улар билан рақсга тушиб, сира чарчоқ сезмадик. Аксинча, ҳузурландик.

Биз одамлардан янги ҳоким келиб, ҳудудда жуда катта ўзгаришлар бошланганини эшитдик. 5-6 соат давом этаётган қабулларда одамларнинг кўп йиллик муаммолари бирин-кетин ечилаётганини, Сирдарё узра туманнинг иккига ажралиб қолган ҳудудларини (ҳозир айланиб ўтиш учун 40-70 км масофа босиб ўтиляётган экан) ўзаро боғловчи катта кўприк қуриляётгани, минглаб иш ўринларига эга бўлган йирик тўқимачилик ва паррандачилик комплекслари қуриляётгани оддий аҳоли қалбига кўтаринкилик бағишляётганини эшитдик.

Ҳоким вақти тигиз бўлишига қарамай, биз меҳмонлар билан шахсан учрашди. Тумандаги 62 та мактаб йил якунига қадар мана шундай тарзда жонли мулоқотлар билан қамраб олинди, «Янги Бекобод» газетаси 8 саҳифада рангли тарзда чоп этила бошлагани, сентябрь ойдан барча мактабларни марказий газета ва журналлар билан таъминлаш, шу пайтга қадар эътибордан четда қолган бекободлик салоҳиятли ёзувчиларнинг китобларини чоп этиб бериш ва албатта тақдимотларини ўзига хос тарзда ўтказиш ниятида эканини эшитиб қувондик.

Барча даврларда ҳам илмга бўлган муносабат доно раҳбарлар, илмпарвар зиёлиларнинг фидойи ташаббуслари билан ривож топиб борган. Лоақал биргина инсонни мутолаага ўргатиш келажакда оламшумул ютуқларга эришилишига пойдевор вазифасини бажариб келган. Зар қадрини заргар билади, дейилганидек, илм ва мутолаа қадри ҳам юксак маънавиятли, илмнинг куч-қудратига ишонадиган, келажакни илм воситасида бунёд этишга бел боғлаган инсонларгина илм аҳлининг ҳомийсига айналади.

Пойтахтга қайтар эканман, ҳаётнинг турфа майда ташвишлари билан ўралашиб, шеъриятнинг сирли олаmidан қанчалар узоқлашиб кетганимга – қалам тутмаганимга анча бўлганига, ёшлик йилларим ўтган Деҳқонобод туманидаги Қорашима мактабига кўпдан буён бормаганим ва кутубхонага бирор китоб элтмаганим, мактабдаги устозларимни доимий йўқлаб турмаганимдан озгина уялдим. Бекободлик ёшларга эса чиндан ҳавасим келди...

Нигора ТОҒАЕВА,
журналист